
“Сочтепа” маҳалласида ҳам янги ичимлик суви қудуғини қазилш ишлари бошланди

Ўзбекистон тумани “Сочтепа” маҳалласида яшовчи аҳоли тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида, ҳудудда янги ичимлик суви қудуғини бурғулаш ишлари бошланди.

Эзгу ташаббус давлатимиз раҳбарининг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 408-сонли қарори асосида амалга тадбиқ этилмоқда.



Қайд этилишича, эзгу тадбир доирасида маҳаллада ичимлик суви қудуғи қазилиши билан биргаликда, янги сув минораси ҳам ўрнатилади ва тармоқ тортилади.

Ушбу хайрли лойиҳани амалга ошириш учун 600 миллион сўм маблағ сарфланиши белгиланган.



2023-01-26 21:09:21